

МУСТАҚИЛЛИК

ХУҚУҚ

ДЕМАҚДИР

YURIDIK GAZETA



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНING
КОНСТИТУЦИЯСИ

8 ДЕКАБРЬ — КОНСТИТУЦИЯ КУНИ



МУВОФИҚЛАШТИРUVЧИ КЕНГАШЛАР

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси прокуратураси ҳузуридаги Хуқуқ-тартибот идоралари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 1 декабрдаги мажлисида иккита масала муҳокама этилди.

«Муҳаддам судланганлар томонидан қайта содир этилаётган жиноятларнинг олдини олиш, ҳамда жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатилган шахсларга нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш борасидаги қонунчилик талабларининг бажарилиши устидан прокурор назорати

нинг аҳолини ўрганиш бўйича текшириш натижалари ҳақида» Республика прокуратурасининг бошқарма бошлиғи О.Нисёзов ахборот берди.

Кун тартибидagi иккинчи масала — «Жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган ҳуқуқни муҳофиза қилувчи идоралар ходимларига нисбатан қўлланилаётган чоралар, бу ҳолатларнинг юзга келишига имкон яратётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилиш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида» Прократура идораларида терговни назо-

рат қилиш бошқармаси бошлиғи О.Ҳамроев маъруза қилди.

ЯҚИНДА республика прокуратураси Молия вазирлигининг жойлардаги бошқармалари билан ҳамкорликда академик лицейлар, касб-хунар коллежлари қурилиши ҳамда уларни жиҳозлаш учун ажратилган бюджет ва бошқа пул маблағларининг қонуний ва мақсадли ишлатилиши юзасидан текширув ўтказди.

Республика прокуратураси муво-

фиқлаштирувчи Кенгашнинг навбатдаги мажлисида текширув якунлари қўриб чиқилди. Бу ҳақда республика прокуратураси умумий назорат бошқармасининг бошлиғи Х.Махмудов баътафсил ахборот берди.

Мажлисида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, унинг ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, тегишли идораларнинг мутасадди ва раҳбарлари иштирок этдилар.

(Мувофиқлаштирувчи кенгашлар ҳақидаги материалларни газетамизнинг келгуси сонida ўқийсиз).

ҲАЙЪАТ МАЖЛИСИ

ФАОЛЛИК ВА ЯНА ФАОЛЛИК

Ислохотларни жадаллаштириш учун жамиятимизда қонунлар тўла қувват билан ишлаши шарт. Бунинг учун эса прокурор-тергов ходимларидан ўз фаолликларини янада ошириш талаб этилди. Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг 30 ноябрь кўни бўлиб ўтган ҳайъат мажлисида муҳокама этилган масалалар моҳияти ана шу мақсадга қаратилди.

Кун тартибидagi биринчи масала — Судларда жиноий, фуқаролик ва ҳўжалик ишлари қўрилишида прокурор иштирокининг самарасини ошириш, судларнинг ноқонуний ва асоссиз ҳал қилув қарорлари, ажримлари устидан протест келтириш амалиёти ҳақида Республика прокуратурасининг бошқарма бошлиғи Абдуғаффор Солихов ахборот берди.

— Бу соҳада маълум ижобий ўзгаришларга эришилган бўлишига қарамадан тезда бартараф этилиши зарур бўлган камчиликлар ва муаммолар ҳам йўқ эмас, — деди маърузачи ўз ахборотида. — Бу судларда жиноят ишлари қўрилишида айрим прокурорларнинг номинга иштирок этиш, ўзаро тортишш таъминлашга риоя қилинмасдан ишга ҳамон эскича ёндашиш кайфиятининг бартараф этилмаганлигида намоён бўлмоқда. Натижада асоссиз ҳусусий ва кассация протести келтириш давом этмоқда. Суд хатоларини прокурорлар томонидан назорат тартибида бартараф этиш пасайган. Каттақўрғон шаҳар, Темирйўл, Бахмал, Зомин туман прокуратураларида бу борада жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Виллот прокурорларининг судда иштироки ва улар томонидан кассация протестлари келтириш самарадорлигини яхшилаш керак.

Судларда фуқаролик ишлари қўрилишида прокурор иштироки олшгани билан, рад этилган ёки қақириб олинган протестларнинг мавжудлиги бу борада ҳам талабчанлигини ошириш кераклигини кўрсатади.

Хўжалик судларида қўрилаётган ишларда прокурор иштироки етарли эмас. Жойларда фуқароларнинг ариза ва шикоятларига етарли даражада эътибор берилмаётгани туфайли улар Президент девонига ва оммавий ахборот воситаларига мурожаат этишга мажбур бўлмоқдалар.

Музокараларда иштирок этган виллот прокурорлари М.Мирсолихов, (Қашқадарё), Ш.Мухамедов (Бухоро), А.Хусанов (Самарқанд), Б.Нурмухамедов (Сурхондарё), Ғ.Барноев (Наманган), М.Мирзаев (Тошкент), К.Исмоилов (Тошкент виллот) ва бошқалар ўз жамоаларида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишга доир ишлари ҳақида тушунтириш бердилар.

Музокаралар чоғида прокурорнинг судда иштирокига доир айрим муаммолар ҳам борлиги маълум бўлди.

— Қонунда ва Бош прокурорнинг тегишли буйруғи билан прокурор иштироки этиши керак бўлган муҳим ишлар белгилаб берилган, — деди Фаргона виллот прокурори Ю.Абдукаримов. — Шунинг учун судда қўрилаётган фуқаролик ишларида прокурорнинг иштирокини таъминлашда сон кетидан қувиш амалиётидан воз кечиш керак. Масалан, никоҳ ишлари қўрилаётган суд жараёнида прокурорнинг иштирокига умуман зарурат йўқ.

— Мамлакатимизда қўшимча равишда фуқаролик ишларини қўришга ихтисослаштирилган суд тармоғининг пайдо бўлиши, ҳўжалик судларига мурожаат этиш амалиётининг кенгайтирилиши прокуратура ходимларининг суд жараёнида иштироки масаласини қайта қўриб чиқиши тақозо этмоқда, — деди Республика прокуратурасининг бўлим бошлиғи И.Жасимов. — Менимча, бунда муҳим тоифадаги ва прокурорнинг ўз даъво аризаси билан қўзғатилган ишларда албатта иштирок этишнинг таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

— Муҳокама этилаётган масаланинг учта муҳим жиҳатига эътиборингизни қаратмоқчиман, — деди Бош прокурорнинг биринчи ўринбосари А.Эргашев. — Биринчидан, кассация босқичига нисбатан назорат босқичида тузилган ишлар қўпайиб кетмоқда. Демак, кассация босқичи яхши ишламаётти. Виллот прокурорлари туман ва шаҳар прокурорларининг судларда қўрилаётган ишларда малакали равишда иштирок этишлари устидан назоратни кучайтиришлари керак;

— Иккинчидан, умумлаштириш шуни кўрсатмоқдаки, энди суд чикарган ҳўқм, қарор ва ажримларнинг қонунчилиги, адолатчилиги ва таъсирчанлигига қараб прокурорларнинг судда иштирокини баҳолаш мезонларига амал қилайлик;

— Учинчидан, судда жиноятнинг айбдорлик даражасини прокурорлар аниқлаб берсин, деган демократия таъминлашга мос келмайдиган талаблар ҳам қўлоққа чалинмоқда. Шунинг

учун прокурорларнинг судда иштирокини баҳолашда сифат ва самарадорлик асосий ўлчов бўлсин.

Бош прокурор ўринбосари, Республика ҳарбий прокурори Б.Дехонов мажлис иштирокчилари эътиборини судда қатнашаётган прокурорнинг нўтқ маданиятини яхшилашга, протест келтириш саводхонлигини оширишга қаратди.

— Умумлаштириш даврида 34 та фуқаронинг суд залидан озод этилганлиги, малакаси, асоссизлиги учун рад этилган ва қақириб олинган протестларнинг мавжудлиги, биз муҳокама этилаётган масаланинг қайси жиҳатларига аҳамият беришимиз кераклигини кўрсатмоқда, — деди музокараларга якун ясар экан Республика Бош прокурори Рашид Қодиров. — Прокурорларимиз иштироки билан адолатли хал бўлаётган, тўғатилаётган жиноят, фуқаролик ва ҳўжалик ишларининг умумий сонига нисбатан бу жуда оз фойзани ташкил этади. Лекин, инсон тақдирини ҳал этилаётган пайтда бу борадаги битта хато бундан кейин ҳам жиддий баҳоланаверади. Шунинг учун суд жараёнида масъулиятсизлик қилган прокуратура ходимларига нисбатан тегишли чора қўрилганини эътиборга оламиз. Бирок, виллот прокурорларига жазаолаш, чора қўриш амалиётидан эмас, балки хато ва камчиликларнинг олдини олиш, тарбиялаш, тажриба алмашиш ва малака ошириш амалиётидан кенгрок фойдаланишларини тавсия этаман.

Иккинчидан, фуқароларнинг ариза ва шикоятларига алоҳида аҳамият беринг. Қайси виллотда ариза ва шикоятлар қўп бўлса, шу жойда ҳўққ-тартибот идоралари ёмон ишлаётти, дейиш учун тўла асос борлигини унутмайлик.

Кун тартибидagi навбатдаги масалалар — Андижон виллот ва Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси идораларининг қонунчилик ва ҳўққ-тартиботни мустақамлаш ҳамда жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини яқли текшириш натижалари ҳақида Республика прокуратурасининг бўлим бошқармалари Е.Аъзамхўжаев ва А.Манноновлар ахборот берди.

Андижон виллот прокурори У.Шамсиев ва Қорақалпоғистон Республикаси прокурори Х.Ҳалимов аниқланган камчиликлар ҳамда уларни бартараф этишга доир тадбирлар ҳақида тушунтириш берди.

Ҳайъат мажлиси муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

(Ўз мухбиримиз)

Ушбу сонда

ЁЛЛАНГАН ҚОТИЛ

Теварак-атроф қанчалик синчковлик билан текшириб чиқилса-да ҳеч бир из ёки жиноят қуроли топилмади.

7-бет

«**HUQUQ**»

YURIDIK GAZETA

Ta'sischiilar

O'zbekiston Respublikasi
prokuraturasi,
Toshkent shahar va Toshkent
viloyati prokuraturalari,
«Qonun himoyasida»
jurnali

Bosh muharrir:**A.ABDURAZZOQOV****Tahrir hay'ati:**

Mels Naimov,
Komiljon Ismoilov,
Botir Po'latov,
Baxtiyor Nazarov*
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Dilshod Islomov
(mas'ul kotib),
Lola Shomurodova,
Zayniddin Mamadaliev

Gazeta Davlat matbuot
qo'mitasida №00150 raqam
bilan ro'yxatga olingan
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

Manzil: Toshkent shahri,
akademik Yahyo G'ulomov
ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34**E-mail:** huquq@mail.UzNet.NET

Tahririyatga kelgan qo'lyozma
va suratlar egalari
qaytarilmaydi.

Mualliflarning fikrlari
tahririyat fikridan farqlanishi
mumkin. Gazetada bosilgan
fakt va dalillar uchun
muallif mas'ul.
Nashrimizdan ko'chirib
bosilganda «Huquq»dan
olinganligi ko'rsatilishi shart.
Tijorat ahamiyatiga molik
materiallar ** belgisi ostida
chop etiladi.

Gazeta andozasi tahririyat
kompyuter markazida
Pentium-II MMX - 333
kompyuterida sahilalandi.
Sahifalovchi B. SAIDOV
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa
konserni bosmaxonasida ofset
usulida A-3 formatda
chop etildi.
Konxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma Г - 1149
Nusxasi - 12720

Bosmaxonaga topshirish
vaqti 20.00
Bosmaxonaga
topshirildi 18.20

Gazeta haftaning chorshanba
kunlari chiqadi
Navbatchi muharrir
J. SHAROFBOYEV
Navbatchi: N. MAHMUDOV
Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН

ҚОНУНШУНОСЛИК ТАРИХИДАН БИР ЛАВҲА

Инсоният ўтмиши кўп жихатдан унинг адолатли, мукаммал жамият барпо этиш учун кураши тарихидан иборатдир, десак адашмаган бўламиз. Шу мазмундаги маълумотларни қадимги Миср сопол тахтачаларидаги битиклардан, Бехистун қоясидаги миҳнатлардан, қадимги Хитой иероглифларида топилганимиз мумкин. Бу ёзма битикларда фуқаро, давлат, ҳақ-ҳуқуқлар, жиноятга жазо ҳақида гап боради. Бинобарин, давлат ва фуқаро, мулк ва мулкдор муносабатларини, ҳуқуқ ва эркинликларни тартибга солиш, туркумлашга — қонун ҳолатига келтиришга жуда қадимдан уриниш бошланган. Ва низоҳат, бир неча минг йиллик уринишларнинг, тахрибаларнинг натижаси ўлароқ ана шундай қонун — конституция пайдо бўлди.

«КОНСТИТУЦИОН ЎТМИШ»

КОНСТИТУЦИЯ латинча — consti-tutio сўзидан келиб чиққан бўлиб «тузилиш» деган маънони билдиради. Конституция давлатнинг Асосий қонуни эканлигига, унда ижтимоий муносабатларнинг энг муҳимлари-ни тартибга солиш ҳуқуқий норма-лар муҳасамманланганлигига ўрганиб қолганмиз. Лекин қадимги Римда бу атама торроқ мазмунда талқин этилган. Комициялар (қонун чиқарувчи орган) қонунидан фарқ қилиб, буюк Рим императорлари томони-дан чиқарилган норматив ҳужжат-лар конституциялар деб аталган.

Ҳозирги мазмундаги конституци-ялар анчагина кейин пайдо бўлди. Дастлаб табиийки, ўз мазмун-и жи-хатидан конституцияга ўхшаш ҳуж-жатлар юзага келди. Мисол учун, Англия таърибасини олиб кўрайлик. XVII асрга келиб, қироллик монар-хияси абсолютизмини чеклаш учун кураш бошланди. 1664 йилда тайе-рланган «Халқ иродаси» лойиҳаси демократик республика ўрнатили-ш, умумхалқ сайлови тизimini яра-тиши мақсад қилиб қўйган эди. Халқ билан унинг вакиллари ўртаси-

даги муносабатлар, суд мустақил-лиги, қонун олдига тенглик, озод-лик каби гоялар ушбу ҳужжатга син-гдирилганди. Натижада 1689 йилга келиб «Ҳуқуқлар ҳақида билъ-нинг қабул қилинишига эришилди. Буюк Британия ривожланган демократик давлат даражасига ҳеч бир консти-туциясиз этиб келди ва бугун ҳам бу ерда «Асосий қонунга» эҳтиёж йўқ деб қаралади.

АҚШда ҳам дастлаб «конститу-ция олди» ҳужжатлар қабул қилин-ди. 1775-83 йиллардаги «Муста-қиллик учун уруш» даврида Шимо-лий Америка Конгресси томонидан «Колониялар ҳуқуқлари» Декла-рацияси қабул қилинди. 1774 йил Фи-ладельфияда бўлиб ўтган Конти-нентал Конгрессда Виржиния Шта-ти Конституцияси намунасида бо-

шқа штатларда ҳам худди шундай конституция жорий этиш таклиф қилинди. 1776 йилда Континентал Конгресс томонидан «Мустақиллик декларацияси», 1781 йилда «Кон-федерация қондалари» ишлаб чи-қилди. 1787 йилдагина АҚШнинг умумдавлат Конституцияси қабул қилинди.

Францияда 1789 йилда қабул қилинган «Фуқаролар ва инсон ҳуқуқлари декларацияси» бу ерда биринчи конституциянинг қабул қилинишига замин тайёрлади. 1791 йилда Таъсис кенгаши томонидан ишлаб чиқилган конституциядан кел-йин қатор худди шундай қонунлар алмашиб туришини ҳеч ким башо-рат қилмаган эди.

Бу ilk асосий қонун қироллик ижроия ҳокимиятини чеклади. 1793 йил 24 июнда Миллий Конвент Яко-бинчилар Конституциясини қабул қилди. Айтиш мумкинки, ушбу кон-ституция инсониятнинг ўша даврдаги энг прогрессив ҳужжати ҳисоблана-ди. У республикада умумий сайлов ҳуқуқини жорий этди. Қисқа муддат (бир йил) давомда фаолият кўрса-тувчи 600 депутатдан иборат қону-чилик корпуси вужудга келтирилди. Умумхалқ аҳамиятига моллик муҳим қарорлар ва шунингдек, консти-туциянинг ўзи ҳам умумхалқ референ-думи йўли билан ҳал қилиниши бел-

гилаб қўйилганди. Миллий кенгаш таъсис этилди. Муниципал лава-зимли шахслар коммунал кенгаш-лар орқали сайлана бошлади. 1794 йил 27 июлда қақчилган «Терми-дорианлар Конвенти» томонидан 1795 йил 27 августда Республика III йиллиги Конституцияси ишлаб чи-қилди. Унга биноан сайлов ҳуқуқла-ри чекланди. Яъни сайловчилар ва сайланувчиларга нисбатан мулкий ценз кучайтирилди. Мамлакат бош-қаруви тарихида 5 кишидан иборат Директория жорий этилди. 1799 йил буюк император Наполеон Бона-парт томонидан «VIII йиллик консти-туцияси» амалга киритилди. Унга биноан тўрт босқичдан иборат сай-лов ҳуқуқи белгиланди.

1804 йилда Сенат «XII йил Кон-ституцияси»ни эълон қилди ва унга биноан ҳокимият бошқарувида од-дий халқнинг иштироки анчагина чекланди. Маълумки, 1814 йилда Россиянинг аралашуви билан Фран-цияга монархистик режим қайта-рилди. Қирол Людовик XVII «илоҳий меҳр билан» француз халқига «Хар-тия»ни инъом қилди. Инқилобий ата-ма ҳисоблангани учун ҳам консти-туция сўзидан воз кечибиб, ушбу ҳужжат шундай аталган эди. Сай-лаш ва сайланиш учун мулкий ценз кучайтирилди. Амалда ҳар 250 ки-шидан бир кишигина овоз бериш ҳуқуқига эга бўлди. 1830 йилда янги хартия, 1848 йил 4 ноябрда яна бир конституция француз халқига ижро учун жўнатилди. Шу ўринда инсон ҳуқуқлари белгиланиши ижобий ҳодиса бўлган бўлса, ижроия ҳоки-миянинг кучайтирилиб, Миллий кенгашга «маънавий қўнғинга» қолдирилиши ҳокимиятларнинг бўлиниши таъминлига доғ солди.

Барча демократик таъиниллар кўпгина давлатлар қомусида ўз ак-сини топган. Бунга эса осонликка эришилмаган. Қурашлар, меҳнат-лар ва изланишлар натижаси бу.

А.МУСТАФОҚУЛОВ тайёрлади**КОНСТИТУЦИЯ МОДАСИГА БИР НАЗАР**

МЕҲНАТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ

«Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адо-латли меҳнат шартларида ишлаш ва қонунда кўрса-тилган тар-тибда ишсиз-ликдан ҳимоя-ланиш ҳуқуқи-га эгадир. Суд ҳукми билан тайин-ланган жазони ўташ тарти-бида қонунда кўрса-тилган бошқа ҳоллардан ташқари маж-бурий меҳнат тақиқланади».

(Ўзбекистон Респу-бликаси Конституцияси, 37-модда).

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси мустақилликка эришган да-стлабки йилларданқо биринчи навбатдан инсон ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлашга қаратилган давлат сиёсатини олиб бормоқда.

Ўзбекистон жаҳонда тан олинган инсон ҳуқуқ ва бурчла-рини конституцияда қафолатлаб қўйдики, бу унинг халқаро андозаларга мослигидан шохидлик беради.

Инсоннинг шундай ажралмас ҳуқуқлари борки, унга ҳеч ким зарар етказмаслиги керак. Шундай ҳуқуқлардан бири меҳнат қилиш ҳуқуқидир.

Меҳнат қилиш ҳуқуқи - бу ҳар бир шахснинг эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шартларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқидир.

Агар бу таърифни 1978 йилги собиқ Иттифок Конституци-яси моддалари билан таққослайдиган бўлсак, ер билан осмонча фарқи кўрамиз. Ўша Конституцияда «меҳнат қилиш ҳар бир кишининг бурчидир», деб ёзиб қўйилганди. Ўша даврдаги Ўзбекистон ССР Конституциясининг 58-моддаси-да эса «меҳнат қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчи ва шарафли ишидир» дейилган эди.

Конституциямизда жаҳон таърибаси ва амалиёти, ри-вожланган демократик давлатларнинг ҳамда халқимизнинг узоқ йиллар давомида тўнланган меросий таърибасидан келиб чиқиб, меҳнат қилиш бу бурч эмас, балки ҳуқуқ сифатида эътироф этилди.

Меҳнатнинг бу талқинда эътироф этилиши янги, ижтимо-ий жамият ва бозор муносабатларини ривожлантириш ша-роитида демократик принципларни қўллаш ҳамда шахснинг ҳуқуқлари дахлсизлигини ҳар томонлама қафолатлаш билан чамбарчас боғлиқдир.

Меҳнат қилиш ҳуқуқи - бу инсоннинг ажралмас табиий ҳуқуқидир. Фуқаро ўзининг меҳнат қилиш қобилиятидан фойдаланиш ёки тасарруф қилишда мутлақ ҳуқуққа эгадир. Шартномани эркин тузиш ҳамда шу шартномага ўз эрки-

ни изҳор қилиш билан меҳнат муносабатларида қатнашиши, ўз имкониятига, малакасига, касб-корига монанд иш танла-ши ва ёлланishi мумкин.

Меҳнат қилиш ҳуқуқи - кишига меҳнат қилишда эркин-ликлар яратлади. Ҳар ким ўз хоҳишидан келиб чиққан ҳолда хоҳласа ишлайди, хоҳламаса йўқ. Ҳар бир киши ўз эҳтиёж-лари ҳамда оиласи эҳтиёжлари учун хизмат қилади, албатта. Бироқ эркинлик - бу хоҳлаган нарсани қилавериш мумкин дегани эмас, балки эркинлик халқ ва давлат манфаатларига зарар етказмаслиги лозимдир.

Ҳар бир шахс ёки фуқаронинг меҳнат қилиши натижасида қўлга киритган даромадлари, ортиртган мол-мулки унинг ҳусусий мулки ҳисобланади.

Меҳнат қилиш ҳуқуқидан барча фуқаролар (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқароли-ги бўлмаган шахслар) тенг фойдаланадилар, фақат озод-ликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган фуқаролар ҳамда қонун ҳужжатларида бошқа ҳолатлар бундан истис-но.

Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир фуқаро адолатли меҳнат шартларида фойдаланиш ҳуқуқи бузилса уни тиклашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Баъзан фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини бузиш ҳолат-лари ҳам учраб туради. Масалан, ишдан ноконуний бўшатиш юборилганда айрим фуқаролар ҳуқуқларини талаб қилмай индамай кетаверад.

Мана шу иллатлар бартараф этилсагина, жамиятимиз ривожланишда янада юксалишга эришиш мумкин.

Қачонки, кишилар ўз конституциявий ҳақ-ҳуқуқларини таниб-билиб олсалар ҳамда улар бузилган тақдирда ҳуқуқла-ри тикланишини талаб қилишни ўргансалар, биз озу қилаё-тган адолатли жамият ана шу бўлади.

**М.АБДУХАЛИМОВ,
ТДЮИ талабаси**

РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ



Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар.

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддаси)

ХУҚУҚИЙ НОРМАЛАРНИНГ МАНБАИ

КОНСТИТУЦИЯ халқ тақдир, давлат мустақиллигини ўзида муҳасаммалаштирган асосий ҳуқуқий манба сифатида эътироф этилиши барчага маълум. Шунингдек, Конституция ёш давлатнинг ички ва ташқи сиёсати тамойилларини, унинг мус-тақиллигини, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, фуқароларнинг фаровон ҳаётини таъминлайдиган қонун сифатида ҳам тан олинади.

Амалдаги Асосий қонунимиз 1978 йилда қабул қилинган Конституцияга нисбатан 100 дан ортиқ янги ҳуқуқий талаблари киритилганлиги билан фарқ қилади. Шу ўринда, нега янги Конституция қабул қилинди, аввалгисига ўзгаришлар киритилса бўлмасми, деган савол туғилиши ҳам мумкин. Бундай қарашларга эса қуйидагича жавоб бериш мумкин:

Мамлакатимиз давлат мустақиллигига эришгандан сўнг, муқаррар равишда ўзининг Асосий қонунини қабул қилишга зарурат туғилди. Негаки, ҳар бир мустақил давлат ўзининг Конституциясига эга бўлиши лозим;

Биз янги иқтисодий тузумга ўта-япмиз. Шундай экан, жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётининг асосий тамойиллари Конституцияда кўрсатилиши ва тартибга солиниши муқаррардир;

Янги Конституция республика-мизда жорий этилган ва ҳаёт тажрибаларидан ижобий ўтаётган янги конституциявий институтлар, мамлакат Президент, ҳокимият ва бош-қарув органлари орқали идора этилишини ўзида ифодалади;

Шунингдек, янги Конституцияда қонун чиқариш фаолияти чуқур таҳлил қилиниб, унда Олий Мажлис ва унинг ваколатларига катта эътибор берилди.

Хуллас, мавжуд қонунларимиз ҳамда ҳуқуқий нормаларнинг асо-сий манбаи сифатида янги Консти-туциямиз сиёсий, ҳуқуқий ва хал-қаро томондан катта аҳамиятга эга бўлиб, ҳуқуқий онгимиз, маънавия-тимиз ҳамда маданиятимизнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Жуманазар ХОЛМУМИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
ИИВ академияси кафедра

АДОЛАТ САРЧАШМАСИ

МЕН бир оддий ҳуқуқшунос сифатида ҳар томонла-ма мукаммал, жаҳон андозаларига мос, халқчил Кон-ституциямиз борлигидан беҳад қувонаман. Шу билан бирга Асосий Қонунимиз узок изланишлар, катта меҳ-нат эвазига яратилганлигини яхши биламан.

Конституциямизни тайёрлаш жараёни муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида 1990 йил 20 июндан бошланган эди. Ана шундан сўнг унинг дастлабки вариантлари қайта-қайта муҳокама қилинди, кўриб чиқилди, сараланди ва халқ муҳокамасига қўйил-ди. Ниҳоят 12-қақирққ Ўзбекистон Республикаси IX сессиясида 1992 йил 8 декабрда Конституциямиз қабул қилинди. Бугун бизни ана шу воқеадан саккиз йиллик масофа ажратиб турибди. Кун ўтган сайн, йил ўтган сайн Конституциямиз демократик тамойилларни ўзи-да мужассам этганлиги яққол намоён бўлаётир.

Конституциямиз буюк боболаримиз Низоумулук-нинг «Сибатнома», Бурхониддин ал-Марғинонийнинг «Ал-Хидоя», соҳибқирон Амир Темурнинг «Темур Тузуқ-лари» ва бошқа асарлардан маънавий озуқа олган. Илдизи бақувват. У халқимиз асрлар давомида орзу қилиб келган Конституциядир. Унда инсон ҳаёти ва эрки муқаддас эканлиги қайд этилган, давлат томонидан ҳимояга олинган. Янгича яшаш, янгича фикрлаш, янгича тафаккур асосида ҳуқуқий ислохотлар ўтказишга кенг йўл очилган.

Конституциямизда миллий армиямиз ҳуқуқий жи-

ҳатдан мустаҳкамланган. Бу мамлакатимиз мудофаа қудратини оширишда катта аҳамиятга эгадир. Консти-туциямизнинг 125-моддасида давлатимиз мудофааси ва хавфсизлигига катта эътибор қаратилиб, алоҳида ҳуқуқий нормалар билан мустаҳкамлаб қўйилган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари дав-латимиз суверенитети ва ҳудудий ахлилотини, респу-блика манфаатлари дахлсизлиги, аҳолининг тинч ҳаёт кеңиришини ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузи-лади.

Асосий Қонунимизнинг 52-моддасига мувофиқ, Ўзе-бкстон Республикасини ҳимоя қилиш республикамиз ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.

Конституциямиз ҳар бир Ўзбекистон фуқароси син-гарни Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган аскарлар, шартнома бўйича хизматчилар ва офицерлар-нинг ҳам ҳуқуқ ва эркинликларини қонун йўли билан қафолатлайди.

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз таъкидлаганлари-дек, «Куч адолатдир». Адолат сарчашмаси — Консти-туциямизга қатъий риоя қилсак, бизни олдинда порлоқ ва буюк келажақ кутмоқда.

С.ЧОРИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ҳарбий
прокуратураси бўлим прокурори



Эртамин эгалари.

ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ ЯНГИЧА ҒОЯЛАРДА

ЭНГ аввало шу нарсани айтиш ўтмоқчиманки, ҳар бир давлатнинг Конституцияси ўз халқининг орзу-умидлари, ихтиомий онги, салоҳи-яти ва иродасини ўзида акс эттира-ди. Бу борада мамлакатимизнинг Асосий қонунини хусусида илиқ гап-лар айтиш мумкин.

Президентимиз Ислам Каримов конституциаларнинг биринчи Конституцияси лойиҳаси ҳақида ўз фикрларини билдириб, «Биз ўз та-раққиёт йўлимининг Конституция асосида белгилаб олишимиз лозим. Давлатимиз келажаки, халқи-миз тақдирини кўп жиҳатдан Консти-туциямиз қандай бўлишига боғлиқ», деган эди.

Шу боисдан, Конституциямиз ўз ғояси, ўз моҳияти билан мутлақо янги ҳужжат сифатида шаклланди. Унда инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги бутунлай янгича ғояларда муҳасамланди. Бунга Конституциямиз билан танишиб чиқиб жараёнида кўп бор дуч ке-лиш мумкин. Масалан, Асосий қону-нимизга кўра «Давлат фуқаролар-нинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликлар-ини суд орқали ҳимоя қилиш, дав-лат органлари, мансабдор шахс-лар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари учун улар устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи қафолатланган. Во-га етмаганлар, меҳнатга лаёқат-сизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлатимиз ҳимоясид-дир. Хотин-қизлар ва эркаклар те-ҳуқуқлидирлар», дейилади.

Қисқа қилиб айтганда бўлса, Конституциямиз оғиримизнинг ма-навий юксалишида, ҳуқуқий демо-ратик жамият қуришида улжа аҳамиятга эга бўлган сиёсий ҳу-жатдир. Унга янги асрда ҳам асо-қилиниши ва бу ҳужжат асо-қонун мақомини сақлаб қолиши асло шубҳа йўқ.

Олия КУРБОНОВ
Тошкент Давлат тибби
институтини фалсафа ва ҳу-
кафедраси изланувчиси

МУТОЛАА

Мустақил Ўзбекистон Конституцияси 8 йилдирки, чинакам шахс эркин-лигининг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Бунинг сабаби шун-даки, унда фуқаро ҳуқуқ ва эркинликлари ижтимоий келиб чиқиши, миллиати, тили ва динидан қатъий назар барчаннинг қонун олдида тенгли-ги ҳамда ижтимоий адолат ғояларидан келиб чиққан ҳолда қафолатлаб берилган. Бугунги кунга келиб, ҳар бир шахсининг конституциявий ҳуқуқ ва бурчларини билиши ва бажариши кераклиги зарурий қондага айланиб қолди. Чунки буни ўзгартиб бораётган жамият тақозо этмоқда. Зеро, ҳаётда учраб турадиган адолатсизлик ва зуравонликларга қарши факат қонун йўли билан курашиш мумкин ва ўз ҳуқуқларини тўла билган шахсига ҳам ўзининг, ҳам бошқаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари учун муроасиз курашишга қодир бўла олади. Худди шу нуқтаи назардан бот-бот ўзимизга «конституциявий ҳуқуқ ва бурчларимни биламанми?», деган саволни берсак, фойдадан холи бўлмайди.

ЯШАШ ҳуқуқи Сизнинг ажрал-мас ҳуқуқингиздир. Сизнинг ҳаётин-гизга суиқасд қилиш энг оғир жи-ноятдир ва ҳар бир киши сингари сиз ҳам ўз ҳуқуқингизни судда ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгасиз.

Сиз эркинлик ва шахсий дахл-сизлик ҳуқуқига эгасиз.

Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда Сизни ҳибсга олиши ёки қамоқда сақлаши мумкин эмас.

Агар Сизга жиноят содир этган-лида айб қўйилса, айбнингиз судда ошқорла қилиб чиқилиб аниқланма-гунича, Сиз айбдор ҳисобланмай-сиз.

Судда Сиз ўзингизни ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгасиз.

Ҳеч ким Сизни қийноққа соли-ши, қадр-қимматингизни қамситув-чи бошқа тарздаги зуравонликка дучор қилиши мумкин эмас.

Ҳеч ким розилингизни олмас-дан туриб, Сизнинг устингиздан тиббий ёки илмий тажрибалар ўтқа-

ХУҚУҚЛАРИМИЗ КАФОЛАТИ

Конституцияда белгилаб қўйилган Сизнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларингиз

зишга ҳаққи йўқ. Ҳеч ким Сизнинг шаън ва обрўингизга дахл қилиши, шахсий ҳаётингизга аралашуши, турар жойингизга бериш бости-риб кириши мумкин эмас. Бундай ҳолларда ҳуқуқингиз бузилса, Сиз қонун ҳимоясидан фойдаланиш ҳуқуқига эгасиз.

Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари Сизнинг турар жойингизга кириши, тинтув ўтказиши ёки уни қўздан ке-чириши, ёзишмаларингиз ва теле-фонда сўзлашуларингиз сирини

ошқор қилиши мумкин эмас.

Қонун Сизни ўз ҳимоясига олади ва Сиз ҳуқуқингизни ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишга ҳаққи-сиз.

Сиз Ўзбекистон Республикаси фуқароси сифатида Республика ҳудо-дида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эгасиз. Қонунда белгиланган чеклаш-лар бундан мустасно.

Сиз фикрлаш, сўз ва эътиқод эр-кинлиги, исталган ахборотни излаш, олиш, уни тарқатиш ҳуқуқига эгасиз.

Амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустасно.

Агар ҳуқуқ ва манфаатингизга да-хлдор бирон-бир ҳужжат ёки матери-алларга эҳтиёж сезсангиз, ҳар қан-дай давлат идораси ёхуд жамоат бир-лашмалари ва мансабдор шахсларга мурожаат қилишга ҳақлиси.

Ҳеч ким Сизнинг мурожаатингиз-ни рад этиши мумкин эмас.

Сиз учун виждон эркинлиги қафо-латланади, хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки эътиқод қилмаслик ҳуқу-қига эгасиз.

Ҳеч кимнинг Сизга диний қараш-ларни мажбур сингдиришига йўл қўйилмайди.

Шоира ЮНУСОВА,
Жиззах шаҳридаги
10-ўрта мактаб тарих-ҳуқуқ фани
ўқитувачиси

Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 43-моддаси)

ҒОЯ

КЎП

Мамлакатимизнинг бош қомуси — Конституциямиз қабул қилинган кутлуг санага бағишланади.

*Оппоз нурлар таралгайди,
Ҳаққа етгай ҳар хитобим.
Сўз дуридан яралдандир -
Йўл кўрсатар, бош китобим.*

*Мўъжизалар кўрсатгайди,
Шоҳ Сулаймон узугидай.
Барча англр содда раван,
Соҳибқирон тузугидай.*

*Келажаги буюк элнинг,
Йўл кўрсатар юлдузидир.
Адашмагай дунё кезиб,
Кечасидир, қундузидир.*

*Ҳар жумласи муҳтасару
Ҳар бандида ҳарорат.
Ўзбекистон ахли учун
Эзгуликка қафолат.*

*Қонунларнинг Отаси у,
Унда ўзлик намоён
Қисматимиз сардафтарин,
Тан олгандир бу жаҳон.*

Исматулло ЙЎЛДОШЕВ,
Самарқанд шаҳар
прокуратурасининг
терговчиси

ПРОКУРОР

ХИМОЯ ҚИЛАДИ НАЗОРАТ ҚИЛАДИ ФОШ ЭТАДИ

... ОЛДИНИ ОЛИШ МУҲИМ

Шерзод Тиллабек аканинг уйи олдида турган машинага ва ундан туширилаётган яшиқдаги ароқларга бир зум қараб турди-да, миясига келган фикрдан кўзлари чақнаб кетди. Нима бўпти бу сафар ҳам шу ишни қилса? Ахир буни биринчи марта қилаётгани йўқ. Бир-икки марта товўқ ўғирлаб сотди. Ҳеч ким билгани йўқ. Товўқ эгалари тулки еб кетибди, деб қўя қолишди.

Уша кунни кечаси соат бирларда Шерзод ўрнидан туриб, худди бойўғлидек «ов»га отланди. У ўзига таниш унинг орақсидан келиб, эҳтиёткорлик билан дераза ойналарини олиб қўйди. Уй ичига оҳиста кириб, хона тўридаги ароқларни шовқинсиз деразадан ташқарига чиқарди. Кейин яна ойналарни ўз ўрнига жойлаштириб, кирган йўлдан орақга қайтди. Ароқ шишаларининг елкасини яғир қиларлик даражада ботаётганига ҳам эътибор бермай, келадиган фойдани кўз олдида келтириб, илдам юриб кетди. Ҳар эҳтимолга қарши, ўғирлик молни сомонхонага беркитиб, ҳеч нарса бўлмагандек уйкуга кетди. Энди эрталаб барвақт туриб, ароққа «мижоз» топиш керак эди. Шерзод «мижоз»ни кўп ахтармади. Қишлоқ марказидаги дўкон сотувчисини ароқни сотиб беришга кўндирди.

Бу вақтда Тиллабек ака ароқларнинг ўғирланганини билган ва ён атрофдаги дўконларга қимдаким сотиб бер деб ароқ ташлаб кетса, хабар беришини илтимос қилган эди. Шерзод унга ўғирланган ароқларнинг тенг яримини яъни

40 шиша ароқни ташлаб кетганидан кейин, дўкон эгаси Тиллабек акани оғоҳ қилди. Ҳеч нарсадан хабари йўқ Шерзод, кўчада ароқнинг сотилишидан тушадиган пулларни нималарга сарфлашни режалаштириб юрган эди, сотувчи чақириб қолди. Нахотки ароқларни дарров сотиб бўлган бўлса, деган умидда дўконга кириб борган Шерзод қарахт ҳолатга тушиб қолди. Не қўз билан кўрсинки, у ерда ароқларнинг ҳақиқий эгаси Тиллабек ака кутиб турарди...

Шерзод қилган жинояти учун беш йил озодликдан маҳрум этилди. Айбига тўлиқ иқдор бўлганлиги

учун кейинчалик жазо уч йил синов муддатига алмаштирилди. Назорат қилиш ИИБга юклатилди. Лекин орадан беш ой ўтар-ўтмас...

Шерзод беш ой олдинги ўғирлигини айнан такрорлади. Лекин бу сафар ароққа эмас, гиламларга қўнгли кетди. Бахтга қарши бу сафар ҳам Шерзоднинг иши бароридан келмади. Жинояти учун этилиб, муқаррар жазо белгиланди. Ҳўш, нима учун у яна жиноят қўчасига кириб борди? Бу жинояти учун фақат Шерзод жавабгарми ёки шундай жиноят учун замин яратиб берган муҳитми?

Агар Шерзоднинг ота-онаси,

қўни-қўшнилари, қишлоқ оқсоқоллари ўзларида биров бўлса-да, масъулиятни ҳис қилиб, унинг юриш-туриши, нима иш билан машғуллигидан оғоҳ бўлишганида эди, юқоридаги каби жиноятларнинг олди олинган бўларди. Зотан, жамиятда жиноятчини қамаш эмас, балки жиноятнинг олдини олиш муҳим ҳисобланади.

Шоира АШУРОВА,
Жиззах вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи,
Фозил МАМАШАРИПОВ
ЎЗМУ журналистика
факультети талабаси

Кейинги пайтларда прокурорнинг фуқаролик ишларини судда қўриб чиқиш жараёнида иштирок этиши керакми, деган саволларга жуда кўп дуч келаямиз. Баъзи ҳуқуқшунослар прокурорнинг ваколатларини адвокатники билан тенглаштириб, унинг суд қарори, ажримига қассация ва назорат тартибда протест келтириш ваколатини олиб ташлаш лозим, деган масалани қўйишмоқда. Проккурорнинг бу ваколатларини олиб ташлаш билан амалда қандай натижага эришиши мумкин? Нима сабабдан кейинги йиллар мобайнида судларнинг ҳал қилув қарори ва ажримлари устидан прокуратура идораларига мурожаат этувчилар сони ошиб бораёпти?

Қўнчилиқ прокурорлар эса «Проккуратура тўғрисида»ги янги қонун лойиҳасида прокурорнинг суд қарорига протест келтириш ҳуқуқини қолдириш тўғрисида фикр билдиришмоқда. Бунда прокурорлар қандай асосларга таянмоқда? Келинг, яхшиси, прокурорнинг бу ҳақдаги фикрини эшитайлик.

Фуқаровий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи Фуқаролик, Меҳнат, Оила қоқдекслари ва бошқа қонунлар қисқа вақт ичида қабул қилиниб, амалга киритилганлиги мамлакатимизда ҳуқуқий давлат сари қадам қўйилаётганлигининг яққол далилидир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 10 та моддасида фуқаролик ҳуқуқлари суд томонидан ҳимоя қилиниши таъкидланган. Демак, бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва барча низо-лар судда ҳал этилиши лозим.

Тахлилларга кўра судларда қўриладиган фуқаролик ишларининг сони йилдан йилга қўлаймоқда. Агар 1995 йилда 37871 та, 1998 йилда 45285 та иш қўриб-ган бўлса, 1999 йилда бу рақам 69965 тани, жорий йилнинг биринчи ярмида эса 35536 тани ташкил этди. Бу ҳолатга факт иқтисодий баҳо бериш лозим, деб ўйлаймиз. Шу билан бирга, бу ҳолат фуқароларнинг ҳуқуқий оғи тобора ошиб бораётганлигидан, ўз ҳуқуқларини қўнний йўл билан, яъни суд орқали ҳимоя қилиш лозимлигини аңлаб етаетганликларидан далолат бериши билан бирга, амалдаги фуқаролик процессуал, суд фаолиятини тартибга солувчи ва бошқа қонунларни янада тақомиллаштириш муаммоларини келтириб чиқаради.

Президентиимиз Ислам Каримовнинг «Жамиятнинг сийосий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида ислохотларни эркинлаштириш ва ҳуқуқлаштириш, мамлакат ҳаётидаги таъминлаш бўйича Дастурларни амалга ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ушбу масалаларни ҳал этиш йўлларини белгилб берди. Шу билан бирга мазкур Фармон билан маъмулланган «Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мақолисини иқтисодий ҳаётнинг биринчи сессиясидаги мазкур асосда белгиланган асосий вазифаларни суд-ҳуқуқ соҳасида

амалга ошириш» Дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг суд тизмининг тақомиллаштириш тўғрисида»ги 2000 йил 14 августдаги Фармони фуқаровий қўнчилиқни тақомиллаштириш борасида қўйилган жиддий қадамлар бўлди.

Фуқаролик ишлари бўйича алоҳида итисослаштирилган туманлараро судлар, прокуратура органларининг фаолиятини ва фуқаролик процессини янада тақомиллаштиришга йўналтирилган ва ҳозирги

қунда муҳомада бўлган қонунларнинг қабул қилиниши фуқаролик ишларининг адолатли, сифатли, малакали ва ўз вақтида қўриб чиқилишини таъминлашга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш қарорларини янада кучайтиришга мустақам замин яратиб беради.

Маълумки, қонуннинг кучи унинг ижросидир.

Бу дегани, судга ариза билан мурожаат этган фуқаро қонуний манфаатлари албатта ҳимоя қилинишига, бузилган ҳуқуқлари тикланишига ва адолат тантана қилишига тўла ишонини ва унда ҳеч қандай шубҳа туғилмаслиги лозим. Афсуски, кўп йиллик таъриб ва тахлиллар айрим судлар томонидан фуқаролик ишлари биринчи марта қўрилишдаёқ иш ҳолатлари ҳар тарафлама ва ҳолисона урганимислиги, тарафларнинг вақлари тўлиқ текширилмаслиги, процессуал ва бошқа қонунларнинг бузилиши ҳудудларнинг нотири татбиқ этилиши натижасида қайри-қонуний қарорлар қабул қилиниб, сансалорликка йўл қўйилаётганлиги оқибатида

фуқаролар йиллар мобайнида судларда сарсон-саргардон бўлаётганликларини кўрсатмоқда.

Бундай ҳолатлар фуқароларда одил судловга нисбатан ишонсизлик ҳиссини вужудга келтириб, уларнинг юқори идораларга мурожаатлари қўлайишга олиб келмоқда.

Тегишли процессуал ваколатларга эга бўлган прокуратура органлари судда фуқаролик ишлари қўрилишда иштирок этиб ишни ҳолисона қўриш, қўнний қарорлар чиқаришга қўмақлашадилар ва фуқароларнинг қўнний манфаатларини ҳимоя қилишга ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, қўнний қўнча қирмаган оқонуний ҳал қилув қарорлари ва ажримларнинг қарийб 60-70 фоизи прокурорларнинг қассация протестлари, қўнний қўнча қирган қарорларнинг эса 35-40 фоизи назорат тартибидagi протестлари асосида бекор қилиниб,

балки фуқароларнинг Конституция билан қафолатланган ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини янада кучайтириш манфаатидан келиб чиққан ҳолда баҳоланса, фуқаролик процессида ҳозирги қунда прокурор иштироки керак ва ундан воз кечиб максдад мувофиқ эмас, деб ўйлаймиз.

Биринчидан: прокурор адвокат билан мулқро тенг процессуал ҳуқуқларга эга бўлиб, ўзининг иштироки билан ишнинг ҳолисона, ҳар томонлама ҳал этилишида судга фақат қўмақлашади. Бунда прокурор судлар устидан ҳеч қандай назоратни амалга оширмайди.

Иккинчидан: адвокатлардан фарқли равишда прокурорлар фуқароларнинг суд қарорлари устидан протест келтириш тўғрисидаги ариза ва шикоятларини ҳал этишни, судда иштирок этишни ва даъво қўзғатишни давлат божи ундирилмаган ҳолда амалга оширадilar.

Шу ўринда, прокурорлар давлат божи-

процессида прокурор ҳеч қандай назорат ваколатларини амалга оширмайди.

Бинобарин, унинг протести суд учун мажбурий қўнча эга эмас. Суд уни қўриб чиққан, лозим топса қаноатлантиради, лозим топмаса, қаноатлантирмай уни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради. Яъни суд ишни прокурорнинг позициясидан ҳолис ва мустақил равишда ҳал қилади.

Менимча, республикаимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида прокурорнинг фуқаролик процессидаги ўрни, роли, ваколат доираси шу нукта назардан баҳолиниши ва белгиланиши лозим.

Бундан келиб чиқиб, фуқаролик процессида прокурор иштироки ва ваколатлари қўйидаги йўналишда тақомиллаштирилиши максдад мувофиқ бўлар эди.

Бугунги қўнча қадар шундай бир амалиёт мавжуд, яъни прокурорлар девяли барча фуқаролик ишларида иштирок эти-

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ПРОКУРОР ИШТИРОКИ КЕРАКМИ?

қонунга мувофиқлаштирилмоқда.

Бу борада прокуратуранинг яна бир асосий йўналишларидан биттаси - бу фуқароларнинг қўнний манфаатларини ҳимоя қилиш максдадида судга даъво ариза билан мурожаат қилишидир. Бу ишга бугунги қунда катта аҳамият берилиб, мингглаб фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари прокурорларнинг даъволари асосида судлар томонидан тиклаб берилмоқда.

Кейинги йилларда даъво аризалари сони тобора қўлайиб, 1999 йилда 17300 тага етди ва 1,1 млрд. сўмдан зиёд зарар ундирилишига қаратилди. Даъво аризаларининг ақсарияти фуқароларнинг манфаатини қўзғаб қўзғатилган.

Албатта, прокурорларнинг бу борадаги фаолиятида ўзига яраша муаммолар мавжуд. Оддий тил билан айтганда бунас, фуқаролик процессида прокурор иштироки, унинг суд қарорларига протест келтириши ва бошқаларнинг манфаатини қўзғаб даъво қўзғатиши умуман керакми, деган саволлар ҳам туғилди.

Идоравий манфаатларни устун қўймай,

сиз аризаларни ҳал этишса, даъволар қўзғатишса, давлат бюджетига зарар етказилади-ку, деган саволларга ҳам жавоб бериб ўтиш лозим.

ФПКнинг 120-моддасига биноан, даъвогар тўлашдан озоқ қилинган давлат божи жавабгардан арз қилинган талабларнинг қаноатлантирилган қисмига муносоиб равишда давлат даромади ундирилади. Демак, прокурорларнинг даъво қўзғатиш фаолиятидан давлат бюджетига ҳеч қандай зарар етказилмаётган, чўнки судлар ҳар вақт ҳам тегишли миқдорда давлат божини ундиришди.

Учинчидан: судда иштирок этувчи прокурор назоратчи эмас ва унинг даъво аризалари, протестлари ҳам назорат ҳужжатлари сирасига қирмайди.

ФПКнинг 34-моддасига биноан прокурор ишдаги тарафлар, адвокатлар каби судда иштирок этувчи шахс ҳисобланиб, улар билан мулқро тенг процессуал ҳуқуқларга эга, ўзининг даъвоиси бўйича эса прокурор фақат даъвогар ҳисобланади. Ҳулоса қилиб айтганда, фуқаролик

ши лозим ва бу қўрсаткич уларнинг фаолиятига баҳо беришда инобатга олинади. Натижада прокурорлар никоҳни бекор қилиш, алимент ундириш ва бошқа қам аҳамиятли фуқаролик ишларида иштирок этишмоқдалар.

Фикримизча, бу амалиётдан воз кечи-б, биринчи инстанцияда фақат қонунда белгиланган ҳолларда, яъни муҳим тоифадаги ишларда прокурор иштироки таъминланиши тўғри бўлар эди. Қўнунга назар ташласак, фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ёки улган деб эълон қилиш, фуқарони муомалада лаъқатсиз деб топиш ёки муомала лаъқатини чеклаш, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёки уни чеклаш ва бошқа муҳим тоифадаги ишлар прокурор иштирокида қўрилиши шарт эканлиги қайд этилган.

Санаб ўтилган ишлар фуқароларнинг Конституция билан қафолатланган ҳаёти, шахсий дахлсизлиги ва оила билан бог-лиқ ҳуқуқларининг ҳимоясига алоҳида эътиборни янада қўнчайтириш қўзда тутилганлиги сабабли, ута муҳим аҳамият қасб

КЎЗ ТЕТМАСИН...

«Прокуратура идораларининг фаолияти қонунининг устуңлигини ҳар томонлама қарор топтиришга, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан мустаҳкамланган инсон ва фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, шунингдек, давлат мустақиллигини, ижтимоий давлат тузумини, миллий ғуруҳлар ва ҳудудий тузилмаларнинг ҳуқуқларини ғайриқонуний таъжовузлардан муҳофаза қилишнинг таъминлашга қаратилгандир».

(«Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 2-моддаси)

Маҳаматзоирнинг кайфи тароқ эди. Аскараларнинг бир-икки гапи эса таъбини тирриқ қилди. Бор-йўғи боғнинг қоровули бўлса... Боғ худди отасидан мерос қолгандай осмондан келади. Мактаб директори бўла туриб, битта қоровулдан гап эшитса...

Мастликда киши руҳияти ўзгариши сир эмас. Баъзи кайфи ошиб қолган, ўзига бино қўйган кишилар ҳамсуҳбатининг тўғри сўзларини ҳам ҳақоратдай қабул қила бошлашади. Ўз-ўзини идора қила олмай, жиноятга қўл уришади. 2-ўрта мактаб директори Маҳаматзоир Зунунов ҳозир ана шундай ҳолатда эди. Аскараларни «Нива» машинасига ўтказиб, уйига олиб борди. Уртада яна гап қочиб, болаларга тарбия берадиган «тарбиячи» меҳмонни калтаклашга киришди. Бераҳмларча, шафқатсизларча уриб, унга оғир тан жароҳати етказди. Оқибатда Аскаралар бевақт ҳаётдан кўз юмди...

Бу воқеа 1994 йил апрел ойида юз берган эди. Олти йил аввалги бу қотилликнинг қисқа тафсилотини баён этаётганимизнинг сабаби, ўшандан бери туманда (кўз тегмасин) қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида одам ўлдириш жинояти содир этилгани йўқ.

— Ҳуқуқ-тартибот идоралари, кишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолларининг ўзaro ҳамкорлиқдаги ишлари натижасида бошқа турдаги жиноятлар ҳам камайиб бораёпти, — дейди туман про-

Фаргона вилояти Сўх туманида жиноятлар тобора камайиб бораёпти. Кейинги олти йилда битта ҳам қотиллик жинояти содир этилмади.

курори Бахтиёржон Пулатов.

Киндир буни «кичкина жойда», деб изоҳлаши мумкин. Тўғри, вилоятдаги бошқа туманларга нисбатан Сўхнинг аҳолиси озроқ — 52 мингдан зиёд киши яшайди. Туманда 4 та кишлоқ, 22 та маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолият кўрсатаёпти.

— Худуга шукр, маҳаллаимиз тинч-тотув, — дейди «Бобокалон» кишлоқ фуқаролар йиғини таркибига кирувчи «Истиклол» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Субҳиддин ака Шарофидинов. — Икки йилда биронта жиноят бўлгани йўқ...

С.Шарофидинов одамлар орасида ишлаш борасида катта тажрибага эга. Кўп йиллар ўқитувчилик қилган, ижтимоий таъминот бўлими мудрилигидан нафақага чиққан, унга ушбу вазифани ишониб топширишган.

— Милициянинг идораси ёнимизда, — дейди Субҳиддин ака. — Милиция, прокуратура ходимлари тез-тез учрашувлар, суҳбатлар ўтказиб туришади. Қонунларни тушунтиришади, ноҳус воқеаларнинг сабабларини кўрсатиб, бу ҳол тақдорланмаслиги учун йўл-йўриқлар беришади. Улар билан бирга ўйма-ўй юриб, кўчнори, наша экиш ёки саклаш жиноятлигини тушунтирганимиз яхши бўлди. Охириги марта 1998 йили Раҳимжон Қодировнинг хонадонидан уч-тўрт түт кўчнори экилгани топилди. У жазосини олди, бошқаларга сабоқ бўлди. Ушандан бери ҳеч ким экмайди. Маҳаллада оилавий жанжаллар, майда безорилик бўлиб туради. Осоқоллар, ўзимиз тартибга қақриб йўлга соллашми. Осоқолчимиз Бободада Туратбоев ички ишларда ишлаган. Катта-кичик ҳурмат қилади. Қонун-қондорларни яхши билади. Илгарки ҳўпр жанжаллар тўйларда бўларди. Ҳўпр Осоқоллар тўйнинг тепасида туриб, бунга йўл қўйишмапти. Тўйда ароқ қўйилмади. Кундузи соат тўртда бошланиб, соат олтида

тўғайди.

Маълумки, ҳуқуқбузарлик, жиноят сабабларидан бири - ишсизлик. «Истиклол» маҳалласида бекорчиларни ишга жалб этиш ҳақида ҳам қарор қилинган. Жумладан, тўртта тегирмон очилди. 3 та вулканизация дўкони ишлаёпти. 7 та фермер хўжалиги бўлиб, ҳар бирида 20-30 киши шартнома бўйича меҳнат қилади. 29 киши ижарага ер олиб, дехқончилик билан шўғулланыпти. 34 киши тадбиркорлик — савдо тижорат билан машғул. Яна 41 нафар дехқонлар томорқасида маҳсулот етиштирилади.

Сўх кишлоқ фуқаролар йиғини худудидagi «Мулгон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Усмонали ака Ғиёсов 32 йилдан бери шу вазифада ишлайди. Кишлоқда мактаб очилишига бош-қош бўлган. У яна бир хайрли иш ташаббускори бўлди. Кишлоқда бозор ташкил қилди. Жума бозорига Қўқон, Риштон, Олтиариқдан ҳам тадбиркорлар келишапти. Муайян иш билан банд бўлмаган фуқаролар бозорда савдо-сотик билан шўғулланиб рўзгорларини тебратишапти.

Ҳафтанинг қарийб ҳар кунги Сўхнинг турли кишлоқларида бозор бўлади. Туман ИИБ ходимлари, маҳалла посбонлари бозорларда жамоат тартибни сақлашнига кўз-қулқ бўлиб туришади. Жиноятчи, ҳуқуқбузарларни дарров жавоаблашади. Жумладан, худуд нозир вазифасини бажарувчи Ҳ.Мирзабоев ва жиноят қидирув тизор гуруҳи вакили, милиция лейтенанти Ш.Туревларнинг ҳўшёрликлари тўғрйли, Жума бозориди С.Алимбетов деган шахс хўбига олинди. Қирғизистон республикасининг ушбу фуқароси махўуана гивевандлик моддасини олиб келганлиги учун унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Гивевандлик билан бирга ичкилик бўлиб ҳам жиноятларни келтириб чиқарувчи иллатлардан, «Янгиарик» кишлоғида яшовчи Нўмон Нурматов

Равон кишлоғиди тўйлардан бирида, мастлик тўғрйли С.Ероени уриб, енгил тан жароҳати етказди. Унга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суд томонидан тегишли жазога тортилди. «Янгиарик» кишлоғи фуқароларининг йиғилишида бу жиноят муҳокама қилинди.

«Хўшёр» кишлоғида яшовчи Я.Парпиевнинг уйдан ИЖ-П-4 русумли мотоциклнинг двигатели ўғирлаб кетилган эди. ИИБ бошлиғи А.Умрзоков раҳбарлиғиди тизор-тергов гуруҳи ўғирлик тўғрисида хабар олган захоти қидирув ишларини бошлаб юборди. Ўғирликни шу кишлоқда яшовчи Жумабой Умедов содир этгани аниқланиб, айбланувчи қонуний жазога тортилди. Бундай жиноят тақдорланмаслиғи учун маҳалла фуқаролар йиғинида суҳбат ўтказилди.

Туман прокуратураси ҳар бир ҳуқуқбузарлик, ҳар бир жиноят сабабларини таҳлил қилиб, уларни бартараф этиш чораларини кўраёпти. Кишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари, қорхона, ташкилот, ширкат ҳўжаликлари бошликларига тақдиминома, амрнома киритилмоқда. Қонунга хилоф буйруқ ва қарорлар прокурор киритган протест асосида бекор қилиниб, фуқароларнинг ҳўқуқлари тикланимоқда. Жумладан, текширишда туман молия бўлими бошлари оилавлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва 16 ёшгача болалари бўлган оилавларга нафақа тайинлашга оид Низомнинг талабларига қид равишда оила аъзоларига тўғри келадиган ўртача мезон суммасини бир ярим баробар кўтармаслик тўғрисида топшириқ бергани аниқланди. Туман прокурори Бахтиёржон Пулатовнинг протести билан бу топшириқ бекор қилинди. Ўнлаб муҳтоқ хонадонларга рад этилган нафақа ўндирилди. Йил бошидан бевн ушбу соҳада аниқланган қонунбузликларини бартараф этиш учун 21 та протест, 1 та тақдиминома киритилди. 3 нафар шахс моддий жавобгарликка тортилди.

Туман прокуратураси фуқаролардан тушган аризаларни қонуний ҳал қилмоқда. Хусусан, «Хўшёр» кишлоғида яшовчи Зебинис Абдурахмонованинг аризаси текширилганда, туман ижтимоий таъминот бўлимининг етакчи мухтасисси Ф.Мирмўминов аёлни муддатсиз ногиронлик нафасига чиқаришга ваъда қилиб, фирибгарлик йўли билан 20 минг сўм пулини олиб, ўзлаштириб юборгани аниқланди. Ушбу нопок шахс суд томонидан тегишли жазосини олди. Жиноят иши бўйича прокурор киритган тақдиминома муҳокама қилиниб, ижтимоий таъминот бўлими ходими Б.Мамасидиков ишдан бўшатилади.

Ҳуқуқ-тартибот идораларининг ҳамкорлиқдаги ишлари ўз самарасини бермоқда. 1999 йилнинг ўн ойида туманда 53 та, бу йил шу вақт мобайнида эса 44 та жиноят содир этилди. Октябр ойида биронта жиноят юз бермади. Янги йилда ҳам шундай давом этса қани эди!

Исроил ИБРОХИМОВ,
«Хуқуқ»нинг Фаргона вилояти бўйича мухбири

эди. Балким, шу нуктаи назардан қонун чиқарувчи бундай тоифадаги ишлар прокурор ишторикида қўрилиш шарт эканлигини белгилаб берган.

Прокурор ўзининг даъвоси бўйича қўзғатилган ишларда даъвогар сифатида иштирок этиши ҳам шарт.

Шу ўринда, қонунда ханузгача ўз ечимини топмаган муаммага эътиборни қаратиш лозим. Амалиётда шундай бўладики, прокурор, айтайлик, ота-оналик ҳўқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида ариза билан судга мурожаат қилади ва шу ишда тараф сифатида иштирок этади. Лекин қонун талабига биноан бундай ишда прокурор ҳам иштирок этиши ва фикр билдириши лозим, яъни қонун талабларига қатъиян риёя этиладиган бўлса, бундай тоифадаги ишларда иккита прокурор иштирок этиши лозим - биттиси тараф, иккинчиси прокурор сифатида. Аммо амалда бунинг имкони йўқ. Фикримизча, бундай ҳолларда битта прокурор ҳам даъвогар, ҳам прокурор сифатида иштирок этиши процессуал қонун талабларига хилоф бўлмайди ва бу масала бўйича аниқ вазифаларни Бош прокурор ўз буйруғида белгилаб берса, мақсадга мувофиқ бўлиб эди.

Прокурорнинг протест келтириш фаолиятининг айрим масалаларини ҳам тақомиллаштириш талаб этилади.

Ховирги вақтда прокурор биринчи инстанцияда ўзи иштирок этмаган ишлар бўйича ҳал қилув қарорининг қонунийлигини ўрганиб, кассация протести келтириши ёки у билан келишган ҳолда ҳўлоса тузиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 9-моддасига биноан фуқаролар ўзларига тегишли бўлган ҳўқуқларини ҳимоя қилиш ҳўқуқини ўз хўшига кўра тасарруф этадилар. Бу талаблар суднинг ҳал қилув қарори, акрим устидан кассация шикоят келтириш ҳўқуқига ҳам тааллуқлидир. Суд тарафларга чиқарилган қарордан норози бўлган тақдирда йигирма кўн ичида шикоят келтириш ҳўқуқини тушунтиради. Демак, тараф шу ҳўқуқидан фойдаланмаса, у суд қарори билан келишганлигини билдиради.

Прокурорнинг бундай ҳолатда ўз ташаббуси билан унинг ишторикисиз қўрилган иш бўйича протест келтириши юқориди баён этилган фуқаролик ҳўқуқларини амалга ошириш қондаларига мос келмайди. Алехида муҳим тоифадаги, яъни прокурор ишторикида қўриладиган ишлар бундан мустаснодир.

Шу сабабдан, прокурорларнинг келажда апелляция ва кассация протестлари (ФКга ўзгаришлар киритилиши инобатга олинган) келтириш ваколати фақат унинг ишторикида қўрилган ва унинг ари-

заси асосида қўзғатилган ишлар билан чекланиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бу билан прокурорнинг апелляция ва кассация про-тестлари келтириш фаолияти қонун талабларига тўлиқ мослаштирилади. Прокурорнинг назорат тартибиди протест келтириш ваколатига келсак, ўйлаймизки, бу ваколатлар ҳўзирги ҳолатда қолдирилиш лозим, чўнки прокурорнинг бундай фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасига асосланган. Маълумки, фуқаролик процесси суд қарорининг қонуний кўчга кириши билан тўғаланади. Процесснинг барча босқичларида прокурор билан адвокатнинг ҳўқуқлари мутлақо тенгдир. Прокурорнинг апелляция ва кассация про-тестлари адвокатларнинг шу босқичларда келтирилган шикоятлари билан тенг юридик кўчга эга. Чўнки улар асосида иш албатта қайта қўрилади. Бундан ташқари, прокурорнинг протест келтириш адвокатнинг маъкур иш юзасидан шикоят езиш ҳўқуқини чекламайди.

Прокурорнинг назорат тартибиди протести эса фақат тарафларнинг аризалари ёки матбуотдаги хабарларга асосан фуқаролик иши ўрганилиб, суд қарорининг қонунийлиғига баҳо берилган, уни бекор қилишга асос бўлган ҳолда келтирилади, яъни прокурорнинг бу фаолияти қонуний кўчга кирган суд қарорлари билан поймон қилинган фуқароларнинг ҳўқуқ ва манфаатларини тиклашга қаратилган.

Республика Президентининг 2000 йил 14 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини тақомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонида фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳўқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кўчайтириш мақсадида мамлакатимизда фуқаролик ишларини қўришга иктисоланган 62 та туманлараро судлар ташкил этилиши кўзда тутилган.

Тахминий ҳисобга кўра, ҳар бир туманлараро судда биринчи инстанцияда прокурор ишторикида бир йилда қўриладиган ишлар сони 250-300 тани ташкил этиши мумкин. Прокурор ишторикини таъминлаш эса, туманлараро судлар жойлашган туман, шаҳар прокурорларига юклатилиши кўзда тутилмоқда. Бу ушбу Фармон Фармон талабларини сўзсиз ва тўла бажарилишини таъминлаш прокурорларимизга алоҳида масъулият юклайди.

И.ЖАСИМОВ,
Республика прокуратурасининг Судларда фуқаролик ишлари қўрилишда прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиғи, адлия маслаҳатчиси



Суратда: Навоий вилоят прокурорининг кадрлар бўйича катта ёрдамчиси Зулфия Раззоқова вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси З.Саидова ва Ф.Бегимовлар билан суҳбатлашмоқда.

Миннатдорчилик


Ҳурматли бош муҳаррир!

Биз Шайхонтоҳур туманидаги кўп қаватли уйларида бирида истиқомат қиламиз. Кўпгина кўп қаватли уйларида бўлгани каби бизнинг уйда ҳам тез-тез уй-жойларга коммунал хизмат кўрсатиш билан боғлиқ муаммолар бўлиб туради. Масалан, томондан чакка ўтатиш ёки ичтиш тизимларининг яхши ишламаслиги... Яқинда бизнинг уйда лифт бўзилиб қолди. Бундан қариялар билан носиронлар қандай аҳволда қолганиларини тасаввур этиш қийин эмас. Камчиликларни бартараф этиш юзасидан бир неча юқори ташкилотларга қилган аризмимиз самара бермади. Орадан уч ҳафта ўтибдики, натижаси йўқ. Шундан сўнг уй аҳли кенгашиб, туман прокуратурасига ёрдам сўраб мурожаат қилдик. Бизни қабул қилган Шайхонтоҳур тумани прокурорининг ўринбосари Худойқўл Турдйеов муаммомизни тезда ҳал қилиб берди. Бунинг учун туман прокуратурасига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Шайхонтоҳур тумани, Беш-Ёғоч мавзесидаги 4 уй аҳли номидан: Тوشкенбоева, Убайдуллаев, Азизхонов, Алимов, Арзянцева ва бошқалар

БЕРУНИЙ ТУМАНИ ПАХТА ТОЗАЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

Азиз юрдошларимизни
келажаги буюк
давлатимизнинг Асосий
қонуни — Ўзбекистон
Республикаси
Конституцияси кун
муносабати билан
муборакбод этиб, энг
самимий тилакларини
изҳор этади.
Келажаги буюк
давлатимиз равнақи
йўлидаги меҳнатингизга
зафарлар тилайди!



Пахтакорларимизга
беминнат хизмат
кўрсатаётганимиздан
бахтиёрмиз.
Турли корхона
ташкilot ва
муассасаларни
халқимиз
фаровонлиги
йўлида бел боғлаб
ишлашда
ҳамкорликка
чорлаймиз.

ЙИЛ

ТЎРТКЎЛ ТУМАНИ ПАХТА ТОЗАЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

Конституциямиз
берган бахт ва саодат
ҳар бир хонадонни
чарогон этишига
тилакдошдир!



МАЛАКАЛИ ТЕРГОВДАН НАМУНАЛАР


Ўтган йилнинг 2 январь куни чошгоҳда Сирдарё тумани прокуратурасига «Сирдарё» ширкатлар уюшмасига қарашли 2-бўлим худудидан оқиб ўтувчи канал бўйидаги қамишзордан номаълум кишининг мурдаси топилганлиги ҳақида хабар келди. Зудлик билан воқеа жойига етиб келган Сирдарё туманларо прокуратураси ва ички ишлар бўлими тезкор ходимлари аянчли манзаранинг гувоҳи бўлишди. Маълум муддат одамлар кўзидан панада, қамишзор орасида қолиб кетган мурда таниб бўлмас аҳволга келиб қолган эди.

Тегишли мутахассисларни жалб этган ҳолда ҳодиса жойини ва шахси номаълум бўлган мурдани синчковлик билан, атрофлича текшириш ташкил этилди. Ҳодиса жойи, мурданинг ҳолати, ташқи кўриниши ва алоҳида белгилари видеоасбурга туширилди. Теварак-атроф қанчалик синчковлик билан текшириб чиқилса-да ҳеч бир из ёки жиноят қуроли топилмади. Бунда ҳатто хизмат-қидирув итнинг ҳам нафи тегмади. Фақатгина воқеа жойидан 200 қадамча наридан инсон танасига тегишли пастки жағ суяги топилди, холос.

Тезда мурданинг ўлими сабабларини аниқлаш мақсадида суд-тиббий экспертизаси ўтказилди. Экспертиза хулосасига кўра, мурдаси топилган шахси номаълум фўқаро қотиллик жиноятининг қурбони бўлганлиги тасдиқланди.

Шу кунгик Сирдарё туманларо прокуратураси томонидан мазкур ҳолат юзасидан ЖКнинг 97-моддаси 1-қисми (қасддан одам ўлдириш) билан жиноят иши қўзғатилди. Прокуратура ва ИИБнинг тахрибали тезкор ходимларидан иборат таркибда тергов-тезкор гуруҳи тузилди, ишга киришилди. Гуруҳ олдида ғоятда мураккаб бўлган икки вазифа қўйилган: биринчиси, қатл қурбони шахсини аниқлаш бўлса, иккинчиси ҳеч бир ғувосиз, из қолдирмай, пухтали билан содир этилган жиноятни фаш этиш—қотилни ёки қотилларни топиш.

Турли тахминлар илгари сурилди, биринчи навбатда бажарилиши лозим бўлган қидирув ишларининг режалари ишлаб чиқилди. Табиийки, бунда асосий эътибор жиноят қурбони бўлган фўқаронинг шахсини имкон қадар тезкор аниқлашга қаратилди. Сирдарё вилоятидаги барча туман ва шаҳар прокуратуралари ва ИИБларига воқеа ҳақида хабар қилинди ва уларнинг худудларида фўқароларнинг бедарак йўқолганлиги ҳолати қайд этилган бўлса, бу ҳақда тезда маълумот бериш юзасидан топшириқлар жўнатилди. Бунга қўшимча тарзда барча қишлоқ фўқаролар йиғинларига, маҳалла кўмиталари раисларига, йирик қорхона ва идоралар раҳбарларига ҳам бедарак йўқолганлар бор-йўқлигини атрофлича текшириб қўриш ҳақида топшириқ берилди. Шу билан бирга туман газетаси ва радиоси орқали аҳоли воқеадан хабардор этилди. Кийимлари рангидан таниб олиш мумкин бўлиши учун - мурда топилган воқеа жойидаёқ олинган рангли фотосуратлар илова қилинган, шахси номаълум мурданинг белгилари қайд этилган афшарлар



аҳоли кўп тўпланадиган жойларга осиб қўйилди. Кенг жамоатчилик жалб қилинганлиги тезда натижасини берди. Ҳафта ўтмай мурданинг шахси аниқланди. Жиноят қурбони — 1998 йилнинг декабры ойлари бошларида бедарак йўқолган, 1971 йилда туғилган шу туманинг Синдоробод ширкатлар уюшмасида яшаган Бахтиёр Канмедов экан.

Тергов ва суриштирув идоралари ходимлари олдида энди навбатдаги вазифа - жиноят қурбони бўлган Бахтиёр ким томонидан ва нима учун бунчалик ваҳшийлик билан қатл этилганлигини аниқлаш турар эди. Унинг ўлимидан ким манфаатдор эди, умуман унинг ўлими нимага керак бўлди? Шу саволларга жавоб топиш мақсадида Бахтиёр Канмедовнинг сўнгги пайдагиди қириш-туриш, хулқ-атвори, таниш-билишлари доираси ўрганиб чиқилди. Суриштирувлардан маълум бўлишича, Бахтиёр Канмедов рангли металл олди-сотдиси билан шуғулланиб юргани. Шунга кўра унинг тижоратдаги шерикларининг шахси тегишлича ўрганиб чиқилди. Бир неча тахминлар ишлаб чиқилди, тергов ҳаракатлари ўтказилди. Лекин қўрилган барча чора-тадбирлар қарамай ўша мавҳум тарзда содир этилган бу жиноятни фаш этиш имкони бўлмади. Бу ҳолат бир ярим йилдан ошқ давом этди. Бу орада жиноят иши бўйича айбланувчи тарихасида терговга тортилиши лозим бўлган шахс аниқланмаганлиги асос қили-

ниб, дастлабки тергов ҳаракатлари бир неча марта тўхта-тилди ҳам. Бироқ, ушбу жиноятнинг очилмасдан қолиб кетаётганлиги вилот ва туманларо прокуратура раҳбариятига ҳам, тегишли тергов ходимларига ҳам тинчлик бермасди. Шу сабабдан йиғилишларда мазкур жиноят иши юзасидан олиб борилаётган ишларнинг аҳоли доимий равишда муҳокама қилиб борилад эди.

2000 йил 13 март куни

да унинг ётқонхонасидаги китоб жавонидан рус тилида «Султонов Собитга» деган ёзув битилган почта конверти топилади. Дастлаб бунга унчалик эътибор бермаган ишқорлар уни очиб кўрганларидан кейин жумбоқнинг «калити» худди мана шу конверт ичида эканлигига ишонч ҳосил қилишди. Конвертдаги хат ҳолислар иштирокида ўқилганда, унда рус тилида «Агар яна 2000 доллар бермасаларинг, мен Республика Бош прокурори, туман ИИБ бошлиги ва Бахтиёр Канмедовнинг онаси-номларига ёзиб қўйган Бахтиёрнинг ўлдирилганлиги ҳақидаги хатларни эгаларига жўнатиб юбораман» деган мазмундаги гаплар битилгани маълум бўлди.

Шундан кейин тергов ҳаракатларининг янги босқичи бошланди. Энди терговда гумондор сифатида иштирок этаётган шахс бор эди. Малакали тергов натижасида А.Ложкиннинг Б.Канмедов-

анча мунча пул ишлаб олиши мумкинлигига ақли етган Алексей Уктамга Бахтиёрнинг режаси ҳақида шам қилади. Унинг гапларига қизиқиб қолган Уктам Ражабов Алексейга илтифот кўрсата бошлайди ва уни уйига таклиф қилиб, укаси Собит Султонов иштирокида ҳамма гапдан хабардор бўлади. Ака-укаларга Алексей Бахтиёрнинг синглиси масаласини аслати, бунинг учун Уктамни муқарар ўлим қутаётганини, «дўсти» Бахтиёрнинг қарори қатъий эканлигини ошириб-тошириб айтиб беради.

Бу гаплар хураси учган ака-укалар дарҳол Алексейга пул тикитишга бошлайдилар. Унга эса худди шу керак эди. Ака-укалар Алексейга агар Бахтиёрни «тинчитиб» берса, 4000 АҚШ долларини нақд олишини, бу ишни иложи борица тезроқ амалга ошириш кераклигини таклиф қиладилар. Долларнинг дарагини эшитган Алексей дарҳол кўниб қўя қолади. Шундан

яъни 2000 доллар берадилар. Қолганини беришни эса узоқ вақт пайсалга солиб юришди. Икки ўртадаги низо натижасида А.Ложкиннинг ётқондан топилган ўша хат ёзилган эди.

Алексей Ложкин тергов берар экан, турли йўللار билан терговчини чалғитишга уринар, лекин бунинг улдасидан чиқолмасди. Дастлаб у Бахтиёрни ўлдириш мақсади бўлмаганлигини, Бахтиёрнинг ўзи унга тўппонча ўқталгани, шундан кейин уни бўйиб ўлдирилганлиги ҳақида чўпчак тўқийди. Лекин «кайсар» далиллар унинг бу гаплари ёлгонлигини кўрсатиб турарди.

Суд-тиббий экспертиза хулосалари марҳум ўқотар қуролдан - 12 калибрий ов милтигидан отилган ўқ натижасида ўлганлигини аниқлади. Бунга марҳумнинг кийимларидан топилган ўқотар қурол патронига тегишли бўлган дроб ва жароҳат излари асос қилиб олинган эди.

ЁЛЛАНГАН ҚОТИЛ

Жароҳатлар 1-2 метр масофадан отилган ўқ таъсирида олинганлиги, жабранувчи кийимидан ва кейинроқ топишган жасада тегишли бош суягидан топилган қўрошнинг дроблар ов милтиги патронига тегишлилигини экспертиза хулосалари тасдиқлади. Ложкиннинг уйда ўтқизилган тинтув чоғида топилган патронлар ҳам айнан 12 калибрий ов милтигига мўлжалланган эди.

Бундан ташқари яна ўнлаб далил ва фактлар Алексей Ложкин Бахтиёр Канмедовнинг қотили эканлигини кўрсатиб турар эди. Бундай натижани кутмаган А.Ложкин ўз айбига тўлиқ иқдор бўлишдан бошқа чора топа олмади.

Мазкур жиноят иши юзасидан айбдорлар суд ҳукми билан тегишли жазоларини олишди. Ушбу ўта мураккаб жиноят ишининг фаш этилишида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган тахрибали терговчи, 1-даражали юрист Д.Сангиров Сирдарё вилоят прокурори томонидан тақдирланди ва ҳақли тарзда рағбатлантирилди.

Х.АБДУВОХИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
прокуратураси бўлим
прокурори

ни ҳақиқатан қасддан ўлдирилганлигини тан олишдан ўзга чораси қолмаган эди.

Бахтиёр дўсти Алексейни ўзига яқин олиб, унга оилавий сирларини ҳам ошкор қилади. У Сирдарё шаҳрида яшовчи Уктам Ражабов билан қасдлашиб қолганлигини, ўз оиласи шаъни учун ундан қасос олиш нияти борлигини айтиди. Бунинг учун Алексейдан ёрдам сўрайди. Алексей унинг илтимосини эътиборсиз қолдирмайди ва дўстига бу ишда қўлидан келгунча ёрдам беражани билдиради.

Алексейга қасос қурбони бўлиши керак бўлган Уктам ҳам бегона эмас эди. У Уктамни ўчратиш қолганда фикри бутунлай ўзгариб, дўсти Бахтиёрга берган ваъдасини ҳам унутди. Шу орада вазиятдан тўғри фойдаланиб қолоса,

кейин ёлланган қотил ишга киришади.

Ниманидир баҳона қилиб, Бахтиёрни «Сирдарё» ширкатлар уюшмасининг 2-бўлими худудидан оқиб ўтувчи канал бўйига олиб келган Алексей жанжал чиқаради ва Уктам Ражабов берган милтик билан уни отиб ўлдиради. «Дўсти»нинг жасадини қуюқ қамишзор ичига яшириб, шу кунгик буюртмачилар ёнига етиб келади ва айтилган пулни талаб қилади.

Ака-ука буюртмачилар унинг гапига ишончсизманди. Шундан кейин қотил жиноят жойига қайтиб боради ва «Polaroid» фотоаппарати билан мурдани уч-тўрт марта суратга олади. Тайёр суратларни келтиргандан кейингина Уктам ва унинг укаси Собит ҳақиқатан прокуратура бажарилганлигига ишонч ҳосил қиладилар. Лекин ваъда қилинган пулнинг ярмини,

ПРЕЗИДЕНТГА КАФОЛАТ

Россия давлат думасининг нивбатдаги йиғилишларидан бирида собиқ президент Елцин тўғрисида баҳслар бўлиб ўтди. Парламент собиқ президент ва унинг оила аъзоларининг кафолати тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама қилди.

Коммунистлар ҳамда уларнинг хайрихоҳлари томонидан қаттиқ норозиликлар бўлганига қарамай, қонун лойиҳаси биринчи ўқишдаёқ маъқулланди. Олти фракциядан бештаси ушбу қонунни қўллаб-қувватлаган бўлса-да, «Отечество-Вся Россия», «Союз правых сил» ҳамда «Яблоко» вакиллари иккинчи ўқишда ўзлари тавсия этган ўзгартаришлар инобатга олиниши шарт билан овоз беришди.

Ушбу қонун В.Путиннинг Б.Елцин истаёфига чиққанидан сўнг имзолаган фармонини тақдорлайди. Унда собиқ президентнинг умр-

бод нафақаси, давлат томонидан қўриқланиши, шахсий дахлсизлиги ҳамда давлат дала ҳовлисида фойдаланиш ҳуқуқлари тўғрисида сўз боради.

Оқорида таъкидланганидек, собиқ президентга берилаётган ушбу кафолатга коммунистларгина жиддий қаршилик кўрсатишмоқда.

Маълумотларга қараганда, собиқ президент ва унинг оиласи учун давлат бюджетидан йилга 45 млн. рубл ажратилиш кўзда тутилмоқда. Парламент эса бу микдорни кўп дало ҳисобламакда. Шу сабабли кўпчилик депутатлар иккинчи ўқишда президент оиласи тушунчасига аниқлик киритилишини талаб этишмоқда.

(Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.)

ХУҚУҚШУНОСААР УЧУН

ОММАБОП АСАР

ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ
ВА
ТЕРРОРЧИЛИК

УЎНГҲИ ИЛДИНГИ КАВРГАТ
МАҚСАДЛАР НОМАТ
УНГА БАРҲАМ ҚИЛДАН БУТМАНИНГ ҚОРАТ

Юридик фанлари номзодаи Мавжуда Ражабова ҳуқуқшунослик соҳасидаги илмий изланишлари билан юридик фани назарисини ва амалиётини хисса қўшаётган олималимиздан саволади. Унинг «Шариатда жиноят ва жазо», «Хуқуқий давлатчилик сари» номли китоблари,

кўплаб илмий мақолалари чоп этилган.

Шуниси ажойибки, М.Ражабова Яқкасарой тумани суди раиси вазифасида ишлаётганига қарамай илмий иқддини тўхтатиб қўгани йўқ. Яқинда олиманинг илмий изланишлари самараси — «Диний экстремизм ва террорчилик» асари дунё юзисини кўрди. «Янги аср авлоди» нашриётида чоп этилган ушбу китобда диний экстремизм ва террорчилик тушунчалари, унга қарши курашнинг долзарб масалалари ёритилган. Муаллиф ХХ асрнинг охиригунча йиллигида республикамизда содир этилган бу тоифадаги жиноятларнинг мақсади нимадан иборат экани ва уларга қарши курашиш йўл-йўриқларини чуқур таҳлил қилган ҳамда бундай жиноятларга қарши кескин чоралар қўллаш зарурлигини баён этган. Китобнинг шунингдек, унга террорчиликка қарши кураш билан боғлиқ баъзи бир халқро ҳужжатлар илова қилинган.

Ушбу китобдан сиёсатшунослик, ҳуқуқшунослик, диншунослик, тарихшунослик ва бошқа фан соҳалари билан шугулланувчи олимлар, юридик олий ўқув юрти талабалари, прокуратура, ички ишлар, суд органлари ходимлари ва барча қизиқувчи ўқувчилар фойдаланишлари мумкин.

Қутлов

Ҳурматли Ханиса Назаркулова!

Сизни таваллуд айёмингиз билан муборакбод этаётганимдан беҳад мамнунман. Ниятиим дунёнинг барча ахшиликларини Сизга бўлсин. Турмуш ўртоғингиз ҳамда фарзандларингиз бахтига ҳамиса соғ ва омон бўлинг. Бахт доимо йўлдошингиз, муҳаббат сирдошингиз бўлсин.

Оила аъзоларингиз номидан овсингиз Шохиди.

Ховос тумани

СПОРТ

Футбол — шубҳасиз, миллионлар ўйини. Шу билан бирга бу спорт турининг шов-шувли воқеаларга бойлигини ҳам тасдиқлаб ўттишни истардик. Яқинда Буюк Британия Ички ишлар вазирини Джек Стронинг ўз ватандошларига қилган таклифи яна бир можароли тортишувларини бошлаб берди. Вазир жаноблари бугунги кунда алоҳида фаолият кўрсатаётган Англия, Уэльс, Шотландия ҳамда Ирландия терма жамоаларини ягона — Буюк Британия терма жамоасига айлантиришни таклиф қилди.

ОРЗУДАГИ ЖАМОА

Вазирнинг бу таклифи биринчи навбатда футбол мутахассисларини саросимага солиб қўйди. Қанчаллик ажабланиш бўлмасин, аммо ягона Британия байроғи учун курашаётган жамоанинг юзага келиши кўпчиликка ёқмади. Хатто вазир ўз таклифига аниқлик киритишга, бу фақатгина шахсан ўзининг фикри, ҳукуматнинг бунга алоқаси йўқ эканлигини тушунтиришга мажбур бўлди.

«Мамлакатда ўзини британиялик ҳисоблайдиган ягона миллият вакиллари оз эмас, — изоҳлайди Джек Строн, — улар спорт майдонларида ягона терма жамоасининг ўз юртлари шарафини ҳимоя қилишларини истади. Бунинг устига Буюк Британия термасида халқро мусобақаларда ғолиб бўлиш имконияти кўпроқ бўлади».

Хўш, футболчиларнинг ўзлари бунга қандай муносабат билдиришмоқда?

Англия термасига яқинда қабул қилинган Ж.Армафилднинг фикрича, бу гоё ҳақиқатдан ҳам қизиқарли. — Чиндан ҳам ягона термада имкониятлар кўпайиши мумкин. Бунинг кўмаси қироллиқнинг Сиднейдаги

муваффақиятлари ҳам тасдиқлайди, — дейди Жимми.

Шотландиялик Томми Хатчисон эса амалиётда бундай бирлаштиришлар янги муаммоларни келтириб чиқаради, деб ҳисоблайди. Бунинг ўрнига Буюк Британия чемпионати ўтказилгани маъқул. Унинг фикрича, томошабинлар учун Буюк Британия билан Австралия ўйини эмас, балки Англия ва Шотландия ўйини қизиқарлироқ экан.

Уэльс жамоаси вакили Брайан Флинн эса вазирнинг бу орзуси рўёбга чиқишига ишонмайди.

— Дунё аслида ранг-баранг, — дейди у қўлиб, — Ички ишлар вазирини ягона терма жамоасини тузишни таклиф қилмоқда. Сиёсатда эса аксинча бўлаёттир. Жумладан, Уэльс ҳамда Шимолий Ирландия ассамблеялари, Шотландия парламентининг пайдо бўлиши каби. Аммо шахсан мен Буюк Британия чемпионатини ташкил этиш гоёсини жон-жон деб маъқуллайман.

Хуллас, ана шунақа гаплар. Ҳақиқат баҳсларда тугилади. Ажаб эмас, экин орада британияликлар орзу қилган жамоа дунёга келса.

ҚАҲ-ҚАҲ

Дорихона эгаси хотинига:
— Вақтинча савдога чиқмай турсанг бўларди. Мен оздаридагандориларни сотиб юборишим керак.

Дорихонада:
— Кечирасиз, бу дорининг бир шишаси тузалиб кетишим учун етармикан?
— Этади, иккинчисига ҳали ҳеч ким келгани йўқ.

Йигит:
— Кечкурун кинога тушмаймиз-

ми?

Қиз:
— Балки меникига борармиз?
Йигит:
— Нега энди, ахир телевизоринг бузуқ эди-ку...

Аёл:

— Агар мен сизнинг хотинингиз бўлганимда мана шу чойга захар солган бўлардим.
Эркак:
— Агар ростдан шундай бўлганда мен захарни ичган бўлардим.

— Бир оғайним бахтсизликка учиради.

— Қандай қилиб?

— Хотиним у билан кетиб қолди.

Эр хотинига:
— Агар мен сўрашса, «Афсуски, уйда йўқлар» дегин.

Шу пайт телефон жиринглаб қолди. Хотин гўшаки кўтариб:


— Афсуски, у уйда.

Эр жаҳли чиқиб:

— Аҳмоқ, нима дегандим сенга. Хотин эса пинагини бузмай:

— Қўрма, бу сенга эмас.

KROSSVORD



БҮЙИГА:

1. «Утган кунлар» асаридаги боб — «... кун кечаси». 2. Х.Дўстмуҳаммад қиссаси асосида яратилган бадиий фильм. 4. Амударёнинг қадимги номи. 5. Рамазон ойи охирида бериладиган эҳсон. 7. XIV асрда яшаган мумтоз шоир. 8. Шайтонлар макони. 11. Кўпқари. 14. Нозик, гўзал. 15. Қитъа. 17. Чехра, юз. 19. Хорижий машҳур чанқовбосди ичимлик. 20. Инкор. 29. Республикада чиқадиган журнал. 32. Афсона, ҳикоят. 33. Мамлакатимиздаги жамғармалардан бири. 35. Сут-қатиқ зардобининг шевада аталиши. 37. У ҳамиса келавермайди. 39. Оҳанг, куй. 40. Ҳиндистон шимолидаги шахар. 41. Нур, ёғду.

ЭНИГА:

1. Республикада оммалашаётган газета. 3. Мавҳум фикр. 6. Ойдек, ой жамол. 9. «Фарҳод ва Ширин» достонидаги шум кампир. 10. Узун барғи ёввойи ўт. 12. Камон. 13. Вилоят марказларидан бири. 16. Дори сотиладиган жой. 18. Ажал фариштаси. 21. Тилмоч. 22. Май. 24. Насл, авлод. 25. Шерикчиликка масаллик тўплаб тайёрланадиган овқат. 27. Сафардаги киши. 29. Осиёдаги пойтахт шахар. 30. Хушбўй. 31. Тайёргарлик. 34. ... магнитофон. 36. Романтизм тарафдори. 38. Тарқоқ. 42. Феъл шакли. 43. Олий лига футбол жамоаси. 44. Тўсиқ.

Тузувчи: Шерали НИШОНОВ

ТЕХНИК КОНЦЕРТ

ИНТЕРНЕТ

ОРҚАЛИ ТОМОША

Лондон жанубида жойлашган «Брикстон академияси» томошагоҳида бўлиб ўтган жаҳонга машҳур қўшиқчи Мадоннанинг концерти Интернет тармоғи орқали ҳам намойиш этилди.

Натижада «тирик» Мадоннани дунё бўйича 9 миллиондан зиёд интернет тармоғидан фойдаланувчилар кўришга муяссар бўлишди. Улар асосан АҚШ, Буюк Британия ва бошқа европа давлатларига тўғри келади.

Компьютер тингловчилари доираси бўйича олдинги рекорд кўрсаткич Пол Маккартнига тегишли эди. Унинг ўтган йили декабрь ойида Ливерпульдаги Cavern Clubда бўлиб ўтган концерти Интернет орқали намойиш этилган эди.

Яна Мадоннага қайтсак. Унинг концертига бор-йўғи 3 минг нафар ашаддий мухлислагина кираолди, холос. Томоша залини безаш ишларини эса Dolce & Gabbana дизайнерлари бажарган. Мадонна шу кунги ўз мухлислагига олти янги қўшиғини тўхфа этди.

АНА, ХОАОС



БЕГОНАНИ ЁҚТИРИШМАЙДИ

Германиянинг турли вилоятларидан Берлин шахрига ташриф буюрган ҳайдовчилар негадир тезда шахарни тарк этишмоқда. Сабаби улар ўз ҳаётларидан хавотирда эканлар.

Бавариянинг Эрдинг шахарчасидан келган 24 ёшли Нильс Г. шахсий «Мерседес» автомобилида пойтахт кучаларини бир неча соат сайр қилди, холос.

Нильс ўз машинасини светофорнинг қизил чироғида «Рено» русумли автомашини кетида тўхтатди. Аммо яшил чироқ ёнишига қарамай, «Рено» ҳайдовчиси негадир жилишни ўйламасди. Тоқатсиз Нильс сабри чидамай бир неча бор сигнал беришга мажбур бўлди. Ҳамма бало шундан бошланди.

Автомобил эгаси ғазаб билан машинасидан тушиб, «Мерседес»нинг олдида тўхтади. Сўнг автомашинанинг давлат рақамини қалин пошнали этиги билан тепа бошлади. Ва ҳеч қутилмаганда ёнидан тўппонча чиқариб, уни Нильс томонга тўғрилади. Қўрқувдан ўзини йўқотаётган Нильс қандай қилиб полиция маҳкамаси олдида пайдо бўлиб қолганини билмайди. Бирок бу ерда унинг гапларига ишонишмади.

Чорасиз Нильс полиция патрул машинасини тўхтатди ва уларга ҳам бўлган воқеани ҳикоя қилиб берди. Қонун ҳимоячилари унинг сўзларини диққат билан тинглашди. Кейин эса улардан бири Нильсга берлинликлар бошқа шахардан келган машина сигналин ҳақорат деб қабул қилишларини тушунтирди. Шундан бери Нильс ўз автомобилида Берлинга келмайдиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси жамоаси Республика прокуратураси судларда фуқаролик ишлари қўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиғи ўринбосари М.Саидовага онаси

Воҳож ШОДИЕВанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.